“Меҳнат муҳофазаси билимдони” кўрик-танлови ўтказилди

// 02.05.2024
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/mehnat-muhofazasi-bilimdoni-kurik-tanlovi-utkazildi



“Деҳқонобод калий заводи” АЖда “28-апрел-Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни” доирасида “Меҳнат муҳофазаси билимдони” кўрик-танлови ўтказилди.

Танловда жамият ходимлари ўзларининг билим ва салоҳиятини яна бир бор синаб кўришди. Қизғин ўтган баҳс якунларига кўра:

1-ўрин- Комилжон Сайдқулов, КЎИЧ 1-цехи майдаловчиси;

2-ўрин- Марям Норсафарова, Тоғ-кон мажмуаси, тоғ-кон бўлими техник ҳужжатларни юритиш бўйича техник;

3-ўрин- Акмал Янгибаев,Электроцех катта навбатчи электромонтёри ҳамда Рустам Жумаев, НЎА ва А цехи НЎА ва А бўйича чилангари эгаллади.

Ғолиблар диплом, пул мукофоти ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.


UZ-POTASH
"28-aprel-Butunjahon" mehnatni
muhofaza qilish kuni
Mehnat muhofazasi bilimdoni
ko'rik tanlovi
O'zkimyosanoatAJ
dehkanabadpotashplant
uz-potash.uz
(+99875) 612-50-05



“Деҳқонобод калий заводи” АЖ Матбуот хизмати